
“Китоб инсонни улуғлайди”

Республика Маънавият ва маърифат маркази Риштон туман бўлинмаси ХТБ билан ҳамкорликда 2021 йил 8-июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббуси юзасидан ўқувчи -ёшларнинг ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, китобни севиш, уларнинг маънавиятини янада юксалтириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида тумандаги Баркамол авлод болалар мактабида “Китоб инсонни улуғлайди” мавзусида маънавий тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда мактабнинг китобхон ўқувчилари иштирок этдилар. Тадбирда Баркамол авлод болалар мактабининг тўғарак раҳбари Рахимова Юлдузхон китоб ҳақидаги ижодий маърузаси тингланди. Тадбир сўнгида мактаб кутубхоначиси томонидан тадбирда фаол иштирок этган ўқувчилар тақдирланди, бадиий адабиётлар ва мақтов ёрлиғи билан мукофотландилар.

2021-07-08 16:52:01